



ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Умарова Малика Бахтияровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0006-9895-9288

malika.umarova86@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада банкларни трансформациялашнинг назарий жиҳатлари, олимларнинг илмий ёндашувлари келтирилган. Шунингдек, мамлакатимизда банкларни трансформациялаш жараёнининг жорий ҳолати, босқичлари таҳлил этилиб, мамлакатда банкларни трансформациялаш жараёнининг асосий муаммо ва камчиликлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: трансформация, банк, инновация, молиявий хизматлар, рақамли технологиялар, масофавий банк хизматлари, рақамли банклар.

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ПРОЦЕССА ТРАНСФОРМАЦИИ БАНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Умарова Малика Бахтияровна

Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики
Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье представлены теоретические аспекты трансформации банков, научные подходы ученых. Также проанализированы текущее состояние и этапы процесса трансформации банков в нашей стране, проанализированы основные проблемы и недостатки процесса трансформации банков в стране.

Ключевые слова: трансформация, банк, инновации, финансовые услуги, цифровые технологии, дистанционные банковские услуги, цифровые банки.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF THE BANK TRANSFORMATION PROCESS IN UZBEKISTAN

Umarova Malika Bakhtiyarovna

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the
Economy of Uzbekistan" at Tashkent State University of Economics

Abstract. This article presents the theoretical aspects of bank transformation and the scientific approaches of scientists. The current state and stages of the bank transformation process in our country have also been analyzed, and the main problems and shortcomings of the bank transformation process in the country have been analyzed.

Keywords: transformation, bank, innovation, financial services, digital technologies, remote banking services, digital banks.

Кириш.

Банк тизимини трансформациялаш мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун замонавий технологиялар ва рақамли воситалардан фойдаланишни назарда тутди. Бунга банк хизматларидан қулай фойдаланиш учун мобил иловаларни ишлаб чиқиш, масофадан туриб транзакцияларни амалга ошириш учун онлайн-банкнинг жорий этиш, кўпроқ асосли қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш, хавфсизликни яхшилаш ва жараёнларни автоматлаштириш учун блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш киради. Рақамли трансформация натижасида банк тизими янада мослашувчан, тезкор ва мижозлар учун қулай бўлиб, банкнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Адабиётлар шарҳи.

Скиннер (2007) ўзининг "Банк соҳаси истиқболлари" китобида келтириб ўтганидек "Банк соҳаси бу-электрон операциялар орқали расмийлаштириладиган виртуал молиявий муносабатларга асосланган рақамли бозордир. Бинобарин, банк соҳасида рақамли технологиялар нафақат янги имкониятлар очадиган, балки унинг ажралмас таркибий қисмидаги муҳим компонент саналади.

Макаренко (2019) ўзининг мақоласида рақамли трансформациялаш тижорат банкларининг харажатларини 10-15% камайтиришини, катта рақамлар (Big Data) технологияси кредит бериш асосида ҳар бир мижознинг максимал даражада ўрганишни ва даромадларнинг асосий қисми нобанк хизматлари орқали келишини айтган.

Selman va Özsürünçларнинг (2019) фикрича "Тижорат банкларидаги рақамли трансформация бу - рақамли технологияларни банк фаолиятининг барча соҳаларида интеграциялаш, тижорат банклари фаолияти ва мижозларга қиймат етказиб бериш усуллари тубдан ўзгартириб, молиявий ва банк дастурларини ишлаб чиқиш, рақамли банкинг, мобил банкинг ечимлари, молиявий технологиялар, мижозларнинг фоиз ставкаларини либераллаштириш, улкан маълумотлар (big data), мобил молия, рискларни бошқариш, интернет-молия ва мижозлар билан муносабатларни бошқариш бўйича талабларини қондиришга қодир демакдир".

Hussainнинг тижорат банклари фаолиятида юз бераётган трансформацион жараёнларнинг турларга бўлган. Унга кўра у қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- жараёнларни автоматлаштириш. Ҳар кунлик операциялар ва жараёнларни автоматлаштириш харажатларни камайтириш ва аниқлик даражасини ошириш имконини беради. Операциялар ва жараёнларни автоматлаштириш (RPA) сунъий онг (AI) ва бошқа технологиялар асосида амалга оширилади;

- рақамлаштириш. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва самарадорликни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланишни назарда тутди. Рақамлаштиришга мисол сифатида онлайн-банкнинг, мобил банкинг, рақамли банкинг моделларини келтириш мумкин;

- жараёнлар реинжининги. Жараёнлар реинжининги ўз таркибига мавжуд жараёнларни қайта лойиҳалаштириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

- маълумотлар таҳлили. Маълумотлар таҳлили операцияларни яхшилаш, тенденцияларни аниқлашга асосланган қарорларни қабул қилиш учун амалга оширилади. У прогноз аналитикаси, мижозлар сиёсати ва рисклар таҳлилида қўлланилиши мумкин;

- инфратузилмани модернизациялаш. Инфратузилмани модернизация қилиш таркибига банк фаолияти қўламини кенгайтириш ва иқтисодий самарадорликни

таъминлаш учун булутли ҳисоб-китоблар, виртуал тизим ва бошқа технологияларни киритиш мумкин;

- рискларни бошқариш. Рискларни бошқариш таркибан рискларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва бошқариш бўйича стратегия ва жараёнлар амалга оширишдан иборат. Унга рискларни баҳолаш ва талабларга риоя қилиш процедураларини жорий этиш, хавфсизликни таъминлаш ва рискларни пасайтириш стратегияларини киритилган (Рахманов, 2023).

Шашкина ўз тадқиқот ишида “Молиявий технологиялар таъсири остида банк секторининг трансформацияси – банк фаолиятининг ташкилий ва бошқарув йўналишларига тегишли бўлган янги рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши ҳисобига банк секторидagi тузилмавий ўзгаришлардир. Молиявий технологиялар деганда молия секторидa инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш имконини берувчи уникал технологиялар назарда тутилади. Банк секторидa энг кўп қўлланиладиган технологиялар сирасига сунъий онг, катта ҳажмли маълумотлар, тақсимланган реестр, булутли ҳисоб-китоблар, виртуал ва қўшилган реаллик, буюмлар интернетини ва мобил технологиялари киради. Банк секторидagi трансформацион жараёнлар секторнинг институцион трансформацияси, банк хизматларини кўрсатиш каналлари трансформацияси ва бизнес-моделлар трансформациясини қамраб олади. Кўриб чиқиладиган йўналишлар нуқтаи-назаридан, молиявий технологиялар бир томондан, банк хизматларини кўрсатишда рақобат позициясини мустақамлаш ва банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, иккинчи томондан банк фаолияти ва унинг келажаги учун хавфларни юзага келтирувчи омил сифатида талқин этилиши мумкин” Банкларни трансформациялаш банк хизматларини тақдим этишнинг замонавий усулларини кенг жорий этишни назарда тутди. Бунда асосан банк филиаллари сони камайиши, кредит беришда ёки маблағларни инвестиция қилишда онлайн усулдан кенг фойдаланиш назарда тутилади (Шашкина, 2020).

Банк фаолиятини ўзгартириш ва рақамлаштириш муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борган Серебренникова (2020), Соколинская (2020) “трансформация даврининг мураккаблигини қайд этиб, банк амалиётида модернизация ва инновациялар зарурлигини таъкидлайдилар. Бундай трансформация банк сектори томонидан унга хос бўлган рискларга эътиборнинг кучайиши билан бирга келади”.

Хорижий муаллифлар Ма ва бошқалар (2019) “рақамли технологияларнинг иқтисодийнинг турли тармоқларига (саноат, молия сектори, давлат хизматлари сектори) таъсири кўриб чиқадиладар. Хитойда рақамли трансформациянинг мамлакат ўзига хос хусусиятларини аниқлайдилар”. “Рақамли трансформация шароитида бизнес моделларини трансформация қилиш масаласи Вайл ва Уорнер (2019) ишларида ўрганилган”.

Кравченко (2014) Банкнинг Мобиль банкинг борасида қуйидагича таърифни келтириб ўтган. Телекоммуникация компаниялари билан ҳамкорлик мобил банкингни нафақат қулай, уланиш осон, балки тежамкор ҳам қилади. Уяли алоқа сизга харидлар учун тўловларни амалга ошириш, янги омонатларни очиш, пул ўтказмаларини амалга ошириш ва ҳисобингиз ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини беради. Барча операциялар реал вақт режимида амалга оширилади. Шу билан бирга, хизмат хавфсиз ва ишончли, чунки у уч босқичли ҳимоя тизимидан фойдаланади.

Радковская (2005) ўз илмий изланишларида глобаллашув шароитида хар бир банк ва банк тизими ўз оптимал бошқарув моделини излашдан иборатдир деб, у иқтисодийда рискларни камайтириш ва иқтисодийни ривожлантиради деган.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳам банк хизматларининг деярли ҳамма жойда ва кечаю кундуз мавжудлиги туфайли мижозлар базасини кенгайтиради. Банк секторини рақамлаштириш жараёни қуйидаги элементларни ўз ичига олади: мижозлар билан ишлаш тажрибасини таҳлил қилиш, тақдим этиладиган маҳсулотлар ва

хизматларни рақамлаштириш, шунингдек ташкилотнинг ички жараёнларини ўзгартириш.

Банкларни трансформациялаш мижозлар билан ишлаш тажрибасини тўлиқ ўрганиш ва мавжуд эҳтиёжларни таҳлил қилиш ҳамда янги эҳтиёжларни аниқлаш орқали таъминланади. Айнан банк хизматлари истеъмолчилари банклар инновацион ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, чунки улар ўз эҳтиёжларини ифодалаш орқали замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларига талабларни шакллантиради. Мижозлар банклар билан ўзаро ишлаш тажрибасини маълум бир хизматни олиш қанчалик осон ва қулай бўлганига қараб баҳолайдилар, шунинг учун банк сектори мижозлар билан ишлаш тажрибасини доимий равишда ўрганиши, уларнинг ишидаги камчиликларни аниқлаши керак, чунки янги мижозлар янада замонавий технологиялардан фойдаланишни талаб қилиши мумкин.

Авваллари банк фаолиятининг самарадорлиги маҳсулот ва хизматларни сотиш мақсадли кўрсаткичларини ошириш орқали баҳоланарди, аммо рақамли иқтисодиёт даврида банклар замонавий рақамли муаммолар билан ҳисоблашишларига тўғри келади: ҳозирги вақтда банклар шошилиш эҳтиёжлари билан мижозларга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Интернетга уланган мобил телефондан фойдаланиш орқали миллиардлаб потенциал мижозларга хизмат кўрсатиш мумкин, бу эса банкларни рақобатдош устунликларни сақлаб қолиш учун фойдаланиладиган рақамли технологияларни доимий равишда такомиллаштиришга мажбур қилади. Barclays банки онлайн-банкнинг тизимини жорий қилган биринчи банклардан бири: энди мижозлар банк филиалларига ойига ўртача икки марта ташриф буюришади, мобил банк хизматларидан эса ойига 18 мартагача фойдаланилади.

Банкларда ички жараёнларни ўзгартириш ҳам банк секторини рақамли ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Рақамли, мижозларга йўналтирилган технологияларни жорий этиш билан бир қаторда бошқарув, раҳбарлик қилиш ва назоратга ёндашувларни такомиллаштириш зарур. Банкларнинг тўлақонли рақамли ўзгаришига асосий тўсиқ рақамли иқтисодиётда ишлаш учун зарур кўникма ва кўникмаларга эга ходимларнинг етишмаслиги бўлиши мумкин. Мижозлар билан муносабатларни бошқариш тизимлари (CRM) орқали замонавий маълумотларни таҳлил қилиш технологияларидан фойдаланиш банкларнинг рақамли ўзгариши элементларидан биридир, аммо статистика шуни кўрсатадики, тўртта банкдан фақат биттаси ўз фаолиятига бундай маълумотларни таҳлил қилиш тизимларини жорий қилишни режалаштирмоқда.

Банкларни трансформациялаш рақамли стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллашга асосланган комплекс ёндашувни талаб қилади. Рақамли трансформациялаш молия-кредит фаолиятининг барча жабҳаларини, шу жумладан банкларни бошқариш механизмларини қамраб олади, шунинг учун максимал самарадорликка эришишга ёрдам берадиган ечимларни ишлаб чиқиш учун банк секторини трансформациялаш бошқа ривожланиш стратегиялари билан мувофиқлаштирилиши керак.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, қиёсий таҳлил, усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2023 йилда банк тизимининг соф фойдаси 2020 йилга нисбатан 24 фоизга ошиб, 12,4 трлн. сўмни, олинган ялпи даромадлар ҳажми 128,7 трлн. сўмни, банк харажатлари эса 116,4 трлн.сўмни ташкил қилди.

Жами даромадларнинг 67% фоизли даромадлар ҳиссасига тўғри келса, 33 % фоизсиз даромадлар ташкил этди ва даромадларнинг 88,3% кредит ва мижозларнинг

мажбуриятлари, 6,2 % бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлар, қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадлар эса 5,5 % ни ташкил этди.


2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизда 35 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, 10 та капиталида давлат улуши мавжуд банклар, 13 та акциядорлик тижорат банклари, 19 таси хусусий ва 6 таси хорижий банк капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. 2020 йилда республика ҳудудларида тижорат банкларининг филиаллари сони 867 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига 696 тани ташкил этди. Мини банклар 69 тага, банк хизмат кўрсатиш офислари – 1747 та, “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – 3723 тага етди. Бу эса мамлакатда банкларни трансформациялаш орқали банк инфратузилмасини янада ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси молия бозорининг энг ривожланган иштирокчиларидан бири бу банк тизими ҳисобланади. Мамлакатимизда банкларни трансформациялаш ва давлат улушларини босқичма-босқич камайтиришда хорижий инвесторларни жалб этиш, шунингдек, хориж молия корпорациялар ёрдамида трансформациялаш жараёнларини олиб бориш мақсадида бир қатор йирик молия ташкилотлари ва таҳлилчилар банк тизимига жалб қилинган.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизда 36тани ташкил этиб, капиталида давлат улуши мавжуд банклар 9 тани, хусусий банклар 27 тани ташкил этмоқда.

2023 йилда давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлиги ҳамда операцион самарадорлигини ошириш, хусусийлаштиришга тайёрлаш ва банк тизимига стратегик инвесторларни жалб қилиш борасида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари қабул қилинди.


“Ипотека-банк” АТИБ даги давлат улушининг камайиши, тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг оширилиши ҳамда банк хизматлари бозорига 3 та янги банкнинг кириб келиши жами банк сектори активларидаги давлат улушини 2022 йилдаги 78 фоиздан 68 фоизгача, жами банк капиталидаги улушини эса 78 фоиздан 65 фоизгача пасайишига хизмат қилди.



1-расм. Тижорат банкларининг капитали ва активлари даромадлиги таҳлили(фоизда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси www.cbu.uz


Трансформациялаш олиб борилаётган тижорат банкларининг хусусий капитал рентабеллигини таҳлил этар эканмиз, банклар ичида Ипотека банк 10,81%, Миллий банк 9,62% кўрсаткичлари энг паст кўрсаткич Микрокредитбанк 0,09% ни ташкил этмоқда. Активларнинг рентабеллик даражасини таҳлил этар эканмиз, Ипотекабанк 1,72%, Миллийбанк 1,35%, Микрокредитбанк 0,02% ни ташкил этмоқда. Микрокредитбанкда ушбу ҳолатни юзага келишига асосий сабаблардан бири, банкнинг жами кредитлар улушида муаммоли кредитларнинг NPL улуши 6,7% ни ташкил этмоқда.



2-расм. Банкларнинг соф фойдаси ва даромаддаги улуши таҳлили

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси www.cbu.uz

Банкларнинг бозордаги даромаддаги энг йирик улуши Миллий банк етакчи бўлиб, 16,20% ни, Агробанкни 13,16% ни ташкил этса, энг кичик улушлар Микрокредитбанк 2,16%, Туронбанк 1,33% ни ташкил этиб, барча давлат банкларининг умумий даромаддаги улуши 67,21% ни, хусусий банкларники 32 % ни ташкил этмоқда.




3-расм. Ўзбекистонда масофадан банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари бўйича тақсимланиши (01.01.2024 й. ҳолатига нисбатан)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси www.cbu.uz

Масофадан банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари бўйича тақсимланиши ҳолатига эътибор қаратилса, 2024 йил 1 январь ҳолатига масофадан банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг энг катта улуши, 18 фоиз “Агробанк АТБ” ҳиссасига тўғри келган, кейинги ўринни “Халқ банки” АТБ 17 фоиз, энг кичик улушлари Трастбанк ва Капитал банк ҳиссаларига тўғри келмоқда (3-расм).

2023 йилда жами тўлов терминаллари орқали амалга оширилган транзакцияларни ҳажмида Нумо терминаллари улуши 2022 йилда 49 % дан 59 % гача, Uzcard терминаллари улуши 51 % дан 41 фоизгача қисқарган.

2023 йилда жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакцияларнинг 47 % Нумо банкоматлари ҳиссасига, 40 фоизи Uzcard банкоматлари ҳиссасига тўғри келмоқда.



4-расм. Банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар, (трлн. сўм)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси www.cbu.uz

2023 йилда банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида Нумо банкоматларининг улуши 2020 йилда 17,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 88,4 трлн.сўмга етиб, 2022 йилда 33 фоиздан 47 фоизгача ошган. Uzcard банкоматларининг фоиздаги улуши 40 фоизгача ошиб, 76,6 трлн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 09.01.2018 йилдаги ПФ-5296-сонли Фармони имзолангандан сўнг банк тизимининг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана банк ва мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган "рақамли" банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда мамлакатимизда илк рақамли банклар сифатида Анорбанк ва ТВС Банк рақамли банклари рўйхатдан ўтказилди.

2020 йил 22 августда биринчи маҳаллий рақамли банк Анорбанк лицензия олди ва сентябрь ойида тўлиқ иш бошлади. Бугунги кунда у Ўзбекистон молия секторидаги энг тез ривожланаётган компаниялардан бири ҳисобланади. Бундай қисқа вақт ичида банк жуда кўп ишларни бажаришга ва юқори кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон бўйлаб 14 та смарт-офис ва 44 та чакана савдо шохобчаси очилган. Анорбанк да 1000 кишидан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда ҳамда шерикчиликда фаолият юритувчи дўконлар сони 4000 тадан ошмоқда.

Бир йилдан камроқ вақт олдин Анорбанкнинг янги мобил иловаси ишга туширилди, уни 2,5 миллиондан ортиқ фойдаланувчи юклаб олган. Бундан ташқари ушбу илова 100 мингга яқин киши томонидан баҳоланган. Ҳар ойда 1 миллионга яқин одам фойдаланмоқда. Бугунги кунда Анорбанк иловаси кенг қўламли хизматлар учун онлайн тўловларни амалга оширишга ёрдам берувчи воситадир: коммунал хизматлардан тортиб, Ўзбекистоннинг барча банкларида давлат хизматлари учун тўловлар ва кредитларни қайтаришгача. Бироқ, компания у ерда тўхтаб қолмади ва дастур функциялари доирасини кенгайтиришда давом этмоқда. Бундан ташқари, Анорбанк биринчилардан бўлиб узоқдан идентификациялаш жараёнини жорий қилди, бу эса уйдан чиқмасдан мижоз бўлишга ва виртуал карталарни мустақил равишда очишга имкон беради. Жисмоний картага буюртма беришда Ўзбекистонда етказиб бериш атиги 72 соат давом этади. Банк биринчилардан бўлиб балансда йилига 10% ҳисобланган картани жорий қилди ва онлайн микрокредит олиш имконини берди.

Анорбанкнинг ўзига хослиги шундаки, мижозлар юқори фоиз ставкаси билан мослашувчан депозитдан фойдаланишлари, шунингдек, тўпланган фоизларни йўқотмасдан маблағларни тўлдириш ва ечиб олиш имкониятини яратиб беради. Омонатлари Фуқароларнинг Ўзбекистон банкларидаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан ҳимоя қилинади.

2020 йил мамлакатимизда 2 та рақамли банк фаолият олиб борган бўлса, 2023 йилда мамлакатимизда 6 та рақамли банклар ташкил этилди.

TBC BANK Ўзбекистондаги тижорат фаолиятини 2020-йил октябрь ойида TBC BANK UZ мобил иловаси орқали чакана банк хизматларини тақдим этувчи "Space innovation fintech" платформаси асосида ишга туширилди. Рақамли банкнинг фаол саъй-ҳаракатлари ва мижозга йўналтирилган молия хизматлар кўрсатиш бўйича 2021-йил октябрь ойи TBC BANK UZ иловасининг юклаб олиниши сони 1 миллиондан ошди ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 820 мингга яқинни ташкил этди. Бугунги кунда TBC BANK Uzbekistan 7 та янги авлод филиаллари-"шоу-румлар" ва мамлакатимизнинг 12 та шаҳридаги 34 та мижозларни фаоллаштириш пунктлари орқали фаолиятини олиб бормоқда. TBC BANK Uzbekistan "The Global Economics" халқаро молиявий нашрининг "Ўзбекистоннинг 2021 йилдаги энг яхши рақамли банки" мукофотига сазовор бўлди.

2024 йилга келиб TBC банк монатлари ҳажми 4 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 70% га ўсиб, Ўзбекистон омонат бозоридаги улуши 3,5% га етган. Банкнинг кредит портфели 5,86 трлн сўмга ўсиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104% га етган. 2024 йилнинг 30 сентябрь ҳолатига кўра нақд пул ва микроқарзларнинг бозор улуши 14,8%ни ташкил қилган 2023 йилда ушбу кўрсаткич 13,9% ни ташкил этган эди. Банк 2024 йилнинг учинчи чорагида операцион даромадини 103% ошириб, 520 млрд сўмга етказди. Банкнинг соф фойдаси эса 147,6 млрд сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда банк-молия тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, банкларни трансформациялаш, банкларда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш, банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини қабул қилиниши банк соҳасини ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур стратегияда давлат банклари кенгашига мустақил аъзоларни киритиш, қатор банклар фаолиятини халқаро ташкилот, компания ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда диагностика қилиш, банклар устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириб бориш каби бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, банк ходимлари фаолияти самарадорлиги КРІ тизимини жорий қилиш, лойиҳалар фабрикаси концепцияларини ишлаб чиқиш, банк хизматлари бозорида

рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида "fin-tech" компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш, корпоратив бошқарувнинг халқаро тажрибасини ўрганган ҳолда функционал тизимини яратиш бўйича замон талаби даражасидаги чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларида инновацион хизматлар ва технологияларни жорий этиш банкларни трансформациялашни муваффақиятли амалга ошириш учун комплекс ёндашув ва муайян усулларни талаб қилади. Яъни банкларни трансформациялашнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш, инновациялар учун мақсадлар, устуворликлар ва ҳаракат режаларини белгилашни талаб қилади ва трансформациялаш жараёнида қуйидагиларни инobatга олиш муҳим ҳисобланади;

- янги технологиялар ва хизматларни жорий этиш учун финтех компаниялари ва стартаплар билан ҳамкорлик қилиш;

- янги технологиялар ва иш услублари бўйича ходимлар учун таълим дастурлари ва тренинглари ўтказиш.

- мижозлар эҳтиёжларини ўрганиш учун маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш ва маҳсулот инновациясини доимий равишда яхшилаш учун фикр-мулоҳазаларни йиғиш.

- мижозларни аутентификация қилиш хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш учун биометрик технологияларни (бармоқ излари, юз сканерлаш ва бошқа биометрик маълумотлар) жорий этиш.

Ўзбекистонда банкларни трансформациялаш банкларга ўз хизмат турлари рақамли форматга ўтказиш орқали мижозларга тез ва самарали хизмат кўрсатиш сифатини оширишга олиб келади. Бу, ўз навбатида, мижозлар базасини кенгайтириш ва уларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш имконини беради.

- Банкларга молиявий технологияларни (FinTech)ларни жорий этилиши Ўзбекистонда FinTech компаниялари билан ҳамкорлик қилиш банкларнинг инновацион хизматларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бу эса рақобатбардошликни ошириш ва янги бизнес моделларини жорий этиш имконини беради.

- Банк мижозларга инновацион технологияларни қўллаш мижозларга индивидуаллаштирилган хизматларни таклиф этиш имконини беради. Мисол учун, сунъий интеллект ва маълумотларни таҳлил қилиш орқали мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга мос хизматларни таклиф этиш мумкин.

- Банкларда кибер хавфсизликни ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш билан бирга, кибер хавфсизликка алоҳида эътибор бериш зарур. Банклар мижозларнинг маълумотларини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш учун замонавий ечимларни жорий этиши керак.

Ушбу таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилиши, банкларда инновацион хизматлар ва технологияларни муваффақиятли жорий этишга, мижозлар тажрибасини яхшилаш, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва молия бозорида рақобатбардошликни янада оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

Ortaköy, Selman, and Zehra Özsürünç. (2019). *The Effect of Digital Channel Migration, Automation and Centralization on the Efficiency of Operational Staff of Bank Branches*. *Procedia Computer Science* 158: 938–46. [CrossRef].

Вайл П., Ворнер С. (2019) *Цифровая трансформация бизнеса*. -М.: Сбербанк; Альпина Паблицер, 215.

Кравченко Д. (2014) *Мировые тенденции в мобильном банкинге*.

Ма Х., Мэн Ч., Ян Д., Ван Х. (2019) *Цифровая трансформация Китая*. -М.: Альпина Паблишер, 249 с.

Макаренко Г. (2019). "Как инновация изменят банковскую отрасль России" электронный ресурс:<https://trends.rbc.ru/trends/innovation/5d63fd8f9a7947e067daea90>.

Радковская, Н.П. (2005) *Методология финансового менеджмента и управления прибылью кредитных организаций: автореф. д-ра эконом. наук* // Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat [Электронный ресурс].

Серебренникова А.И. (2020) *Сущность и проблемы внедрения инноваций в банках*. //Банковское дело. № 1. С. 68–73.

Скиннер К. (2007) *Будущее банкинга* / К. Скиннер. Предисловие.

Соколинская Н.Э. (2020) *Механизмы информационного и научнотехнологического обеспечения инноваций в банковской сфере в условиях цифровой экономики*. //Банковское дело. № 2. С. 25–30.

Шашкина Е.О. (2022) *Влияние финансовых технологий на трансформацию банковского сектора экономики: зарубежный и отечественный опыт*. Диссер.на соис. учен.степ. канд. экон. наук по спец. 5.2.4. Финансы. Москва 35-36 стр.